

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ
ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И**

2025 йил декабрь ойининг 17 куни Жиззах вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг очик суд мажлиси ўз биносида, раислик қилувчи вилоят судининг судьяси Қ.Х, ҳайъат судьялари Б.М ва Н.Эдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси А.Анинг котиблигида, прокурор С.М, судланувчи А.Х ва унинг ҳимоячиси Ш.Хнинг иштирокида, судланувчилар А.Х ва Ҳ.Нларга оид жиноят ишини А.Х томонидан апелляция тартибида берилган шикоятига асосан тўла ҳажмда кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

а н и қ л а д и :

Жиноят ишлари бўйича Фориш туман судининг 2025 йил 7 ноябрдаги ҳукмига кўра;

Х А Аъзам ўғли, [REDACTED]
Фориш туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, судланмаган, [REDACTED] қишлоғида яшайди, иш бўйича “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, суд залида қамоққа олинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Н Ҳ Б, 1981 йил 24 апрелда Жиззах вилояти Зафаробод туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, судланмаган, вақтинча ишсиз, муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, [REDACTED] яшайди,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 4 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчилар Ҳ.Н ва А.Хдан жабрланувчи М.Книнг фойдасига 42.000.000 сўм, Г.Ининг фойдасига 20.000.000 сўм ва Г.Жнинг фойдасига 143.600.000 сўм зарарларни солидар тартибда ундириш белгиланган.

Суд ҳукмига кўра, А.Х судланувчи Ҳ.Б.Н билан бир гуруҳ бўлиб, олдиндан тил бириктириб, такроран, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиб, моддий бойлик орттириш мақсадини кўзлаб, ўзи билан бир манзилда яшовчи онаси Н Ҳ Б билан жиноий тил бириктириб, фуқароларга



онлайн трединг орқали олтин савдосига пул тикиб, пулларини кўпайтириш билан шуғилланаётганлиги ва сармоя киритган фуқароларга пулларини кўпайтириб беришини олдиндан ваъда қилиб, 2024 йилнинг май ойида Фориш тумани Оқтепа МФЙда яшовчи К М Эрмухамматовнага онлайн трединг орқали олтин савдосига сармоя киритиб, пулларини кўпайтириб қайтариб беришини беришини айтиб, унинг 60.000.000 сўм миқдоридagi пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, пулларини унга қайтариб бермасдан, ўз манфаатлари йўлида сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, А.А.Х, ўзининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, онаси Ҳ.Б.Н билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, Фориш тумани Сайёд МФЙда яшовчи Исмоилова Гулчехра Кенгашевнанинг ишончига кириб, унга пулларини онлайн трединг ўйини орқали кўпайтириб қайтариб беришини ваъда бериб, 2024 йил ноябрь ойида Г.Исмоилованинг 50.000.000 сўм пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, жиноий йўл билан қўлга киритган пулларни ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, А.А.Х, ўзининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, онаси Ҳ.Б.Н билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, Фориш тумани Оқтепа МФЙда яшовчи И [] нинг ишончига кириб, унга пулларини онлайн трединг ўйини орқали кўпайтириб қайтариб беришини ваъда бериб, 2024 йил 12 декабрь куни Ш.Ининг 45.000.000 сўм пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, жиноий йўл билан қўлга киритган пулларни ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, А.А.Х, ўзининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, онаси Ҳ.Б.Н билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, Фориш тумани Хонбанди МФЙда яшовчи Ж [] ишончига кириб, унга пулларини онлайн трединг ўйини орқали кўпайтириб қайтариб беришини ваъда бериб, 2024 йил сентябрь ойидан 2025 йил февраль ойига қадар Г.Жнинг кўп миқдордаги жами 143.600.000 сўм пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, жиноий йўл билан қўлга киритган пулларни ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, А.А.Х, ўзининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, Фориш тумани Сайёд МФЙда яшовчи С С Совур ўғлининг ишончига кириб, унга онлайн трединг орқали олтин савдосига пул тикиб, пулларини кўпайтириб беришини ваъда бериб, 2025 йил февраль ойида С.Снинг жами 9.500.000 сўм миқдоридagi пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, жиноий йўл билан қўлга киритган пулларни ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Судланувчи А.Х апелляция шикоятда, суд ҳукмидан норозилиги, суд томонидан иш бир томонлама кўрилганлигини, етказилган зарарни бир қисмини қоплаганлиги ҳисобга олинмаганлиги ҳақида важлар келтириб, етказилган зарарни қоплаб беришини инobatга олган ҳолда унга



озодликдан маҳрум қилиш жазоси билаен боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо тайинлашни сўраган.

Апелляция инстанцияси суди, иш бўйича судья Н.Энинг маърузасини, прокурор С.Мнинг шикоятни қаноатлантириб, суд ҳукмини ўзгартириб, қонунга мувофиқлаштириш ҳақидаги, судланувчи А.Х ва унинг ҳамоячиси Ш.Хларнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, апелляция шикоятида келтирилган важларни жиноят иш ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, шикоятни қаноатлантириб, суд ҳукмини ўзгартиришини лозим топди.

Апелляция инстанциясида сўралган А.Х, айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчи М.Кга етказилган 42.000.000 сўм, жабрланувчи Г.Ига етказилган 20.000.000 сўм ва жабрланувчи Г.Жга етказилган 143.600.000 сўм зарарлар тўлиқ қоплаб берилганлиги сабабли, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш ҳақида кўрсатув берди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 483–моддасида суд жиноят ишини апелляция, кассация, тарфтиш тартибида кўришда шикоят ёки протест важлари билан чегараланмайди ва ишни барча маҳкумларга, шу жумладан тегишли шикоятни бермаган шахсларга ёки ўзига нисбатан шикоят (протест) берилмаган маҳкумларга нисбатан ҳам тўла ҳажмда текширади деб кўрсатилган.

Апелляция инстанцияси судлов ҳайъати, гарчанд ишнинг Қ.Нга оид қисми бўйича шикоят ёки протест келтирилмаган бўлсада, у А.Х билан бир айблов эпизодлари бўйича айбланганлиги ва етказилган зарар солидар тартибда ундириш белгиланганлиги, ҳозирда улар айбли деб топилган модда бўйича етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлиги сабабли ЖКнинг 168-моддаси талабидан келиб чиқиб, ишнинг Қ.Нга оид қисмини ҳам апелляция тартибида кўришни лозим топди.

Биринчи инстанция суди ишни мазмунан кўришда тўпланган далилларга ишончлилик ва қонунийлик принциплари асосида ҳуқуқий баҳо бериб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талабларига асосан иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб, ишга алоқадор барча шахсларни сўроқ қилиб, уларнинг кўрсатувларига тегишли баҳо берган ҳолда натижаси бўйича, қонуний ва асосли тўхташга келган.

Судланувчилар А.Х ва Қ.Нларнинг суд ҳукмида кўрсатилган мазкур жиноятни содир қилганликдаги айби, ўзларининг айбига иқрорлик билдириб беришган кўрсатувларидан ташқари, иш бўйича сўралган жабрланувчилар ва гувоҳларнинг дастлабки тергов ва суддаги кўрсатувлари, аризаси, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Биринчи инстанция суди томонидан А.Х ва Қ.Нларнинг ҳаракати ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан тўғри квалификация



қилинган деб ҳисоблайди.

Қайд этилган асосларга кўра, суд ҳукмида содир этилган жиноят тафсилоти тўғри аниқланиб, А.Х ва Ҳ.Нларнинг эълон қилинган айбловга муносабатлари ёритилиб, ўзларини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиб, асосли равишда рад этилган ва судда текширилган далиллар-судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқланиш учун етарли деб ҳисоблаб, уларнинг айби тасдиқланганлиги тўғрисида асосли хулосага келган.

Биринчи инстанция суди томонидан А.Х ва Ҳ.Нларнинг ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан тўғри квалификация қилиниб, уларга нисбатан жазо тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатларни инобатга олиб, жиноят иши бўйича еказилган зарар қопланмаганлиги сабабли, уларга нисбатан озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазолар тайинлаб, асосли хулосага келган.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги назарда тутилган.

Апелляция инстанциясида сўралган жабрланувчи Г.Ж, судланувчилар А.Х ва Ҳ.Нлар томонидан унга етказилган 143.600.000 сўм моддий зарарни тўлиқ қоплаб беришганлигини, А.Х ва Ҳ.Нларга нисбатан даъвоси йўқлигини ҳисобга олиб, уларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо тайинлаш ҳақида кўрсатув бериб, ёзма аризасини судга тақдим этди.

Апелляция инстанциясида сўралган жабрланувчи М.К, судланувчилар А.Х ва Ҳ.Нлар томонидан унга етказилган зарарнинг қопланмаган 42.000.000 сўми тўлиқ қоплаб берилганлигини, А.Х ва Ҳ.Нларга нисбатан даъвоси йўқлигини ҳисобга олиб, уларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо тайинлаш ҳақида кўрсатув бериб, ёзма аризасини судга тақдим этди.

Апелляция инстанциясида сўралган жабрланувчи Г.Исмоилова, судланувчилар А.Х ва Ҳ.Нлар томонидан унга етказилган зарарнинг қопланмаган 20.000.000 сўми тўлиқ қоплаб берилганлигини, А.Х ва Ҳ.Нларга нисбатан даъвоси йўқлигини ҳисобга олиб, уларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо тайинлаш ҳақида кўрсатув бериб, ёзма аризасини судга тақдим этди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кўрсатилган.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, жазо адолатли бўлиши–ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Судлов ҳайъати, А.Ҳга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, иш ҳолатидан келиб чиқиб қайд этилган қонун ва Пленум қарори тушунтиришларига амал қилган ҳолда, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, яъни уни содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, шахсини, жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлигини, иш бўйича етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлигини ҳисобга олиб, унга нисбатан қонун санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, қамокда сақланган кунларини тайинланган жазодан ЖКнинг 62-моддаси тартибида чегиришни ҳамда унга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чорасини бекор қилиб, дарҳол суд залида қамокдан озод қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек, судлов ҳайъати, Ҳ.Нга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, иш ҳолатидан келиб чиқиб қайд этилган қонун ва Пленум қарори тушунтиришларига амал қилган ҳолда, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, яъни уни содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, шахсини, аёл кишилигини, ёшини, 2-гурух ногирони эканлигини, судланмаганлигини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини, жабрланувчларнинг даъвоси йўқлигини, иш бўйича етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлигини ҳисобга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб қонун санкциясида назарда тутилган жарима жазосининг энг кам қисмидан ҳам қамроқ жарима жазоси тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Судлов ҳайъати, иш бўйича жабрланувчи М.Кга етказилган 42.000.000 сўм, жабрланувчи Г.Ига етказилган 20.000.000 сўм ва жабрланувчи Г.Жга етказилган 143.600.000 сўм зарарлар тўлиқ қопланганлиги сабабли ҳукмнинг моддий зарарни ундиришга оид қисмини бекор қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 491-моддасида, ишни апелляция, кассация, тафтиш тартибида кўриб чиқаётган суд етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисмининг озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги тўғрисидаги тегишли моддаси нормасини қўллаш учун асослар аниқланган тақдирда ҳукми ўзгартиради” деб кўрсатилган.



Юқоридагиларга асосан, судлов ҳайъати апелляция шикоятини қаноатлантириб, суд ҳукмини ўзгартириб, А.Х ва Ҳ.Нларга тайинланган жазони қонунга мувофиқлаштиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 482, 483, 491, 497¹⁷, 497²⁶, 497³¹-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси суди ажрим қилади,

а ж р и м :

Х А Аъзам ўғли ва Н Ҳ Бларга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича **Фориш** туман судининг 2025 йил 7 ноябрдаги ҳукми ўзгартирилсин.

Х А Аъзам ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан ойлик иш ҳақининг 15 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Х А Аъзам ўғлининг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан 2025 йил 7 ноябрдан 2025 йил 17 декабрь кунига қадар қамокда сақланган 1 ой 11 куни тайинланган жазодан чегирилиб, ўташ учун 2 (икки) йил 7 (етти) ой 27 (йигирма етти) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўталсин ва ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати у жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан ҳисоблансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижросини таъминлаш **Фориш** туман ИИБ пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Судланувчи Х А Аъзам ўғлига нисбатан қўлланилган “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниб, дарҳол суд залида қамокдан озод қилинсин.

Н Ҳ Бга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 (эллик) баравари, яъни 18.750.000 (ўн саккиз миллион етти юз эллик минг) сўм миқдорида жарима жазоси тайинлансин.

Суд ҳукмининг А.Х ва Ҳ.Нлардан жабрланувчи М.Кга фойдасига 42.000.000 сўм, жабрланувчи Г.И фойдасига 20.000.000 сўм ва жабрланувчи Г.Ж фойдасига 143.600.000 сўм моддий зарарларни солидар тартибда ундириш қисми бекор қилинсин.

Иш бўйича етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлиги эътиборга олинсин.

Апелляция шикояти қаноатлантирилсин.



Раислик қилувчи
Ҳайъат судьялари
имзо

имзо
имзо
Н.Э

Қ.Х
Б.М

Аслига тўғри;

Н.Э

